



ТИЛЛО БЎЛСИН ТОЛАНГ, ФАРҒОНА!

ИСТИҚЛОЛГА БАХШИДА ХИРМОН

НАСИМБЕК РАҲИМОВ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА
КОМИТЕТИ РАИСИ, ЎЗБЕКISTON
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ

Бу йилги пахта мавсумининг жумҳуриятимиз тарихида ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Деҳқонларимизнинг, аждодларимизнинг азалий орузи рўёбга чиқди: вилотимиз пахтакорлари чин мустақил республика таркибига биринчи марта эмин-эриш ҳаракат қилиб, кўрсатмаларсиз ва буйруқларсиз пахта тайёрлаш режасини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 404 минг тонна юқори нав «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 29 центнерни ташкил этди. Йилги ҳосилнинг қарийб 150 минг тоннаси машиналар ёрдамида йиғиб-териб олинди.

Бу катта хирмон албатта ўз-ўзидан чош бўлгани йўқ. У пахтакорни ҳам, бобгорни чорвалдорни ҳам бирлаштириб турадиган азалий табиғат эрга, касбга муҳаббат, ишга фидоқорликнинг маҳсулидир. Табиғат инжиқчиликлари, ер шаронилари, сув масаласи қандай ҳал этилишидан қатъий назар, улар ҳар гуна ниҳолни авайлаб парваршиладилар, унга қалб қўрини тўқидилар.

Ҳар йилнинг мавсумининг ўз ташвишлари, қийинчиликлари бўлади. Бу йил ҳам деҳқон қайта-қайта табиғат синовидан ўтди. Барча районлар кучли доғудан зарар кўрди. Биргина Бувайдадан ўзига 3,751 гектар ердаги гурираб турган бўйча қаттиқ шикастланди. Вилот ўйига эса 23,173 гектар майдондан ниҳол талафот кўрди. Районлар, қишлоқлар негашлари, хўжаликлар бошқаруви раҳбарлари, кўп минг сонли фаоллар мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш, одамларни аниқ мақсад сари йўналтириш, асосий ризқ-рўзимиз бўлган пахтадан мўл ҳосил олиш йўлида катта ташвишлик-сийиш ишларини амалга оширдилар. Бугун пахтакорлар ўз меҳнатлари самарасидан беҳад қувонмоқдалар: дала-ларда ҳар қаҳонгидан мўл ҳосил тўп-ланди.

Халқ депутатлари вилот кенгаши еттиштирилган ана шу хом ашёни тезу сош йиғиб-териб олиш юзасидан катта тайёргарлик, сафарбарлик ишларини олиб борди. Барча тоғидаги депутатлар йиғим-терим авж олган кезларда жасорат майдони — пахтазорларда, дала қаҳромонларига ҳашарчилар орасида, пахта қабул қилиш пунктларида заводларда бўлишди. Теримчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш тадбирлари белгиланди. Айниқса, жумҳурият Президенти И. Каримовнинг пахта толаси харид нарҳини 50 фоизга ошириш ҳақидаги фармони, теримчиларга ҳақ тўлаш миқдорининг кўпайтирилиши пахтакорларнинг кучига-куч, рағбатига-рағбат қўшди. Қатор районолар, ўнлаб хўжаликлар ёрдамчиларсиз давлат буюртмасини ўришди.

Қишлоқ хўжалигида ишни ташкил этишнинг янги шакллари кенг жорий этилгани ҳам муваффақиятнинг таъмин-лашида муҳим омили бўлди. Жамоа ва давлат хўжаликларининг ажасрия-тида ижарачи звенолар фаолият кўрсатди. Бошқача айтганда, вилотда пахта майдонининг 97 фоизи уларнинг ихтиёрига берилди. Фрунзе районидан Шарофат Аҳмедова, Киров районидан Юнусали Муродов ва Раҳмонли Қурбонов, Фурқат районидан Ваҳобжон Мамажонов, Жўрабой Охунов, Ленинград районидан Мирасултон Тўйчиев ва Обидали Эрнабобов сингари уста

пахтакорлар бошқич звеноларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40-45 центнерни ташкил этди. Пахта теримини механизациялашга катта йўл очилгани суьратни ошириш имконини берди. Дала-ларда 2 мингга машина унумли ишлатилди. Халқ депутатлари вилот кенгашининг қарорига мувофиқ, энг кўп пахта терган механик-ҳайдовчиларни энгил машиналар билан мукофотлаш кўзда тутилган. Бу ҳол мусобани авж олдириди. Фрунзе районидан Валижон Ёқубов, Муҳаммаджон Худойбердиев, Фурқат районидан Убайдулло Тўйчиев, Раҳимжон Ҳотамов, риштонлик Алижон Асроев, Мўминжон Иброҳимов, Ўзбекистон районидан Собиржон Юсупов сингари механизаторлар беллашувда қарвонбошлик қилиб, бункерлардан 150—200 тоннадан «оқ олтин» тўқидилар.

Мавсум мобайнида районлар ва қишлоқлар кенгашлари мустақил, лекин масъулиятни сезиб иш юритишга-ликлари алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Абдуқоҳур Нисозов, Эргашали Мадумаров ва Толибжон Отабоев раҳбарлик қилаётган «Наймавча» совхозини, Ленин номида жамоа хўжалиги ҳамда «Партия XX съезди» бўлими заршунослари пахта тайёрлаш режасини вилотда биринчилар қаторида бажарган бўлсалар, область совети депутатлари: бригада бошлиқлари Абду-мудал Абдуллаев ва Ҳакимжон Ғозиев, механизатор Абдуқоҳир Абдуллаев, теримчилар Ҳафиза Ҳайдарова, Хур-матов Олимова ва Эътиборжон Юсу-сова баракали меҳнатлари билан халқ ишончини оқладилар.

Теримнинг қизғин палласида водий осмонини зура қора булутлар пайдо бўлиб, ҳосил тандири хавф остида қолганда минглаб ҳашарчилар дам олин кунлари пахтакорларга ёрдамга шошилдилар. Зеро, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги таъриқ вилотда яшайётган турли миқлат, турли касб эгаларини бир ёқдан бош чиқариб ишлаган ундамоқда. Пахта — асосий бойлигимиз эканлиги ҳеч кимнинг ёдидан чиқгани йўқ.

Мустақилликка эришган республика-миз иқтисодийнинг мустақамлаш асосий бойлик — пахта сифатини яхшилаш, унинг жаҳон бозоридан мар-кетини кучайтиришга кўп жиҳатдан боғ-лиқ. Вилот пахтакорлари, пахтачи қайта ишлаш саноати ходимлари буни яхши тушунадилар. Биз чет эл савдо фир-малари билан алоқалар ўрнатилишига катта умид боғлашимиз. Республика Президенти И. Каримов фармонида би-ноан бу йил еттиштирилган пахта ҳосилнинг бир қисми илк марта хўжа-ликлар тасаруфига қолдирилишини ана шу йўлдаги муҳим қадам деб ҳисоблаймиз. Тадбиркор хўжалик раҳ-барлари эса ҳозирнинг ўзидаёқ кўл-ларидан қоладиган пахтачи жаҳон бозорига олиб чиқиш чораларини кўр-моқдалар. Уларнинг бу ҳаракатлари ҳар нарча кўллаб-қувватлашга лойиқ.

Вилот хўжалиқларида йиғим-те-рим жадал бормоқда. Аҳдига вафо-дор пахтакорларимиз хирмонга яна 21 минг тонна «оқ олтин» топишти-рилиш ҳосил ҳажмининг 425 минг тоннага етказиш йўлида астойдил меҳнат қил-моқдалар.



Бувайда районидagi «Ленинбод» жамоа хўжалигида ҳар кун ийлик режанинг 3—3,5 фоизи миқдорда пахта топши-рилмоқда. Сабаби — суворийлар теримчилар баҳси аниқ-да. Улар терган пахтачи тележаларга ортинда эса Исмом Уришов барчага ўрнат.

СУРАТДА: пахта юкловчи Исмом Уришов. Тохиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.



«Бешарик» совхоз-техникуми Киров районидagi йирик хўжаликлар қаторига кирди. Бу жамоа пахтакорлари еттиш-тирилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олиш йўлида фидоқорлик кўрсатмоқдалар. Бунда айниқса мултиметро-граммларчи намуна бўлишавати. Қундузой Ҳасанова — шулардан бири. У кунига 100—130 килограмм «оқ олтин» тератир.

СУРАТДА: илгор теримчи Қундузой Ҳасанова. Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

СИР СОҲИЛИ САНАМИ

тобланган юзларига акин дарё соҳилидаги янги ўз-лаштирилган ерларда пахтачилик бригадаси ташкил этди. Кўпчилиги: «Оққўл мавзелидаги бир бригада» йилдаёқ таркибидан кетса ке-рилик — деб ўйлаганди. Лекин Шарофат аҳдига қатъий турди. Уни дўгона-лари Сайдинсо, Инобатой, Шакархонлар ҳар томонла-б кўллаб-қувватлашди. Дастлабки йили 52 гектар майдоннинг ҳар гектарига 38 центнердан «оқ ол-тин» йиғиштириб олинди. Одамларда ишонч пайдо бўлди. Жамоага сенкин-ас-ла кишлоқдаги бошқа аёл-лар ҳам келиб қўшла бош-ладилар. Бу йил эса йиллик

режа сентябрь ойидаёқ ў-даланди. Бригададаги 33 ишчи-дан 28 тасини аёллар ташкил этгади. Жами майдон пур-ратчи звеноларга бўлиб бе-рилган. Сайдинсо Шому-ролова уларнинг бирига етакчилик қилди. Меҳнат аҳли мавжуд ҳосилни тўла-синча машиналар ёрдами-да териб олди. Бунинг эва-зига 6 минг сўм иш ҳақи тежаб қолинди. Бу маблағ ижарачиларга тақсимланди. Ботирлигини ўзининг сўнг қишлоқнинг манаман деган йиғилари унга одам қўйишди. Лекин Шарофат фарзандлари тарбиясини ўйлаб, бу тақдирларга роз бўлмади. Катта қиз Дил-

дора педагогика олийгоҳи-ни битириб, ўқитувчилик қилатти. Угли Элдор она-си бошқич бригада мажбу-риятини ўришлатган кунин ҳарбий хизматдан қайтиб келди. Нигорахон ҳисоб-техникумин битирган. Нур-хон эса мактабда ўқимокда. Шарофатхон шиланчилик бригадасига раҳбарлик қи-либ юрган кезларда Оқ-жар қишлоқ совети депута-ти этиб сайланган. Икки ча-йиринг маноминга келти-риб ўришлатди. Икки йил аввал эса унинг номзоди Фрунзе район совети депу-татлигини яқинлиги билан қўрсатилди. Бу борада ҳам у ибратли ишларини амалга оширмоқда.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи»нинг ўз мух-бири.

МОСКВАДА СУҲБАТ

МОСКВА, 18 октябрь. (ЎзТАГ). Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бугун Франция республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Дюфур билан унинг илтимосига би-ноан учрашди. Қизғин ва эътимомли

суҳбат чоғида иккала томон-ни қизиқтиратган жуда кўп масалалар юзасидан амалий равишда фикрла-шиб олинди. Тошкентда иқ-тисодий, илмий ва мада-ний айирбош қилиш соҳа-сида илгари эришилган би-ноларга мувофиқ муста-қил Ўзбекистон билан Фран-

ция ўртасидаги ўзаро ман-фаатли ҳамкорликнинг ҳо-лати, шунингдек бу ҳамкор-ликни янада чуқурлашти-риш истиқболлари муҳока-ма қилинди. Томонлар бўлиб ўтган учрашувдан мамнун бўл-ганликларини айтдилар.

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг икки йиллиги

ХАЗИНА

Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етар — бу ўзбек халқ мақоли.

Асримизнинг 90-йиллари бошгача бўлган давлат халқимиз-нинг овози, тили, дили, қадимлари, эрқу адолатга ташна та-пинган қўллар озуларини ошқорку пиҳон чегаралар, чекла-нишлар зулмида кечди. Ҳозир иқтисодимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз юз тутган таъазуул ҳақида алоҳида-алоҳида гапирсак-да, аслида бу таълиқларнинг ўқ томирлари асримиз бошиданок бир-бирига туташиб, бир ноҳақликдан сув ичиб келганда бўлди. Бу ноҳақлик халқнинг ўзини, эрқу қура-тини тан олмаслик, адолатсизлик эди.

Бугун, Ўзбекистон Жумҳурияти мустақил деб эълон қи-лишган, тобеликка қарийб кўнгиб қолган елкаларимиз аста-секин тикланётган кунларда, тан олаётимиз, бир аср мобай-нида тараққиёт, ёруғ кунлар сари нафақат ўзимизнинг йўл-ларимизни, балки сўзларимиз қанотларини ҳам қайириб таш-ламоқчи бўлган эканлар.

Мустақиллик қўшиғи кўзларимиз қамашиб қараётган бу-гунги кунларда, ҳали бу қудратли офтоб ҳар биримизнинг бағримизга жо бўлажак кунлар келишига ишонамиз.

Тарихимизнинг бу ёрқин саҳифаси гойибдан келган баҳт эмас. Халқимизнинг кейинги йилларда ўйонган, ўзгини тан олдириш учун бошлаган ҳаракат ва онгли курашлари-мизнинг, ҳукуватимизнинг халқ хоҳиш-иродасини ифода-лаган оқил сибсатининг меваси бўлди.

Бу шарофит йўлдаги илк ёрқин манзиллардан бири — ўз-бек тилига Давлат тили мақоми берилган кун. Улуғ Алишер Навоий бобомиз камситилми, паст назар билан қараб ботқо-қидан назм дурдоналари ярақлаган шеърят кўнги олиб чиққан ўзбек тилимиз чеклаб-чегаралаб ташлаган ўн йил-ликлар энди абадий ўтмиш бўлиб қолсин!

Тилимиз кунинг равишида ўз шарофити эга бўлган кунга икки йил тўлди. Ҳали бу борада амалга оширилган тадбир-лардан кўра қилинажак ишларимиз бисёр. Бу ишлар — ҳам-маимизнинг, улар мураккаб ва муқаддас.

Тилимиз олдидаги уқан масъулият, қарздорлик, фарзанд-лик буючимизни чуқурроқ англаб бормоғимизнинг ўзи ҳам катта баямдир.

немиша-русча лугатдаги (1969) 165 000 сўздан 92 150 таси ёки 56,46 фоиз қўшма сўзлардир. Ўзбек тилидаги қўшма сўзларни лингвистик табиғатига кўра қўшиб ёзиш қондалаштири-ла, бу тилини дунёдаги энг бой тиллар билан қиёсаш мумкин. Буюк бобомиз Али-шер Навоий, кейинча проф. Абдурауф Фитрат худди шундай фикрни билдирган-лар. Афсуски, уш ҳозирги лугатларга қараб Олован ар-орондаги бир қабил тили билан қиёсашга тўғри кел-лади, чунки бу қабилда тилда 30 миңдан ортқ сўз борли-ги алақадор аниқланган. Икитомли ноҳол лугати-миздаги бош сўзлар ҳам деярли шунча.

Қўшма сўзлар асрлар бўйи атрофлиқа ўрганилган тил-ларда, чунончи, рус ва не-миш тилларида уларни акра-тиб ёзиш юзасидан бирор қонда йўқ, чунки қўшма сўз-лар уларнинг қисмларини ажратиб айтиб ёки ажратиб ёзиб бўлмайдиган ахлит тил биланлиқларидир. Бундай бел-гилар 20 дан ошди.

Масалан, қўшма сонлар ҳар қандай сўз каби бутуни-ча муайян бир сўз туркуми-га (сонларга) мансубдир: бу-тунча гапнинг бир бўлган, кўпича аниқловчи бўлиб келади (Ўзбеш маҳалла, Ўз-бешчи маҳалла, қабил; бир бош уруғ билан айтлади (қозийғирмабеш), компонент-лари орасида сезиларли ўзи-лиш бўлмайди ва ўрин ал-лаштирмайдиган, орасига бош-ча сўз киролмайди. Ана шундай белгиларга эга бў-лган учун ҳам қаршим, ҳеч-қайси аниқловчи, мана бунақа каби биримлар қўшма оло-мон, бирикун, ҳар доми, артабдилан, уерда қабил би-рикмалар қўшма равиш, дуч-келмоқ, туғувламоқ, сабр-этиқ, ичкиқўй қабилар қўшма феъл ҳисобланади. Бундай сўзлар татар, қозок, озаббайжон, турк, туркман, гагауз ва бошқа туркий тил-ларда кўшиб ёзилади. Улар 1956 йилгача ўзбек тилида ҳам кўшиб ёзилар эди. Ай-рин тилшунослар уларни сўз бирикмаси қабил «ажратиб ёзиш имлода бирикмаликни таъминлайди» тарзидаги га-йри илмий «назария» билан кўрнимас хазинага — тил-симга айлантириб юборди-лар.

Йнги лойиҳада қўшма сўз-ларнинг бошқа муҳим тур-ларидан (юзага йиқин) ҳам на-муналар, маълум бир қол-ланган қўшма сўзларнинг ма-дони жиҳатдан фарқлануви турларидан ҳам миқсоллар белгилади.

Шундай қилиб, ҳозирги адабий тилимиздаги сўзлар-нинг миқдори тўлароқ аниқ-ланган тадбирда ҳам, улар-дан талабга мувофиқ 100, 150 ёки 200 миңгача тан-лаб олинди, бу сўзлар зу-ратли лугатнинг сўзларини аниқ вақтда имло лугати бўлиши мумкин.

Насим МАМАТОВ,
ЎзССР ФА Тилшуно-слик олийгоҳининг кат-та илмий ходими, фи-лология фанлари до-ктори.

Муштарий минбари

ИСМИМНИ ИЗЛАЙМАН

Эриест Бегматовнинг «Ўз-бек исмлари» китобини ол-димиз. Унинг оиламиз аъзо-лари, ёру дўстлар, ҳамкасб-ларнинг исмларини қидира бошладим.

Бу китоб керакли, зарур қўлланма, албатта. Чунки қандайдан-қанда одамлар ўз исмининг қандай ёзилиши-ни ҳаузуғача билмайдилар. Ук-тамни — Онтам, Амри-ни — Амер деб масхара-лагандай ёзиш ҳоллари о-мон. Бир дўстим ўз ўгли-нинг туғулганлигини ҳақиқати-ни туюбди. 3 марта ал-ти ёзиб беришди, дег. «Давлат тили ҳақида»ги китоб туғулган исмиимнинг тўғри ёзилиш ҳузуғича эга бўлди. Бу китоб ана шу ҳар-лир ишга ёрдам бери-ши керак.

Демак, бу китоб мезон вазифининг бажариши дар-кор. Хўш, шу нуктага на-зардан китоб бекам-қуст-ми? Бахтга қарши, йўқ. Масалан, мен ўзим исми-мни топа олмадим, Халил бор-ку, Абдухалил йўқ.

Ахир Халил, Абдухалил қабилар бор-ку? Қолаверса, менинг отдошларим ишхо-намда, маҳаллада, туғи-либ ўсган қишлоғимда кўп-лаб топилди... Қизимизнинг исми Нар-гис, китобда Наргиз шар-ҳида берилган. Ахир Нар-гис, Наргиза асосининг бу-зилган шакли-ку (гулнинг исми Наргис). Китобда ис-мининг тўғри шакли берилиб, ҳаётда учрайдиган ноғўр-ли вариантларни келтирил-са, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бир ўғлимнинг исмини Оламғир қўйдил, акаси Бо-бур эди, Бобурийлар суло-ласида шундай исм бўлган экан. Китобда бу исм ҳам берилмаган. Бундай миқ-соллар истаганча келтири-ши мумкин. Бу китобга тақри-з берган 2 та фан доктори мана шу томонларга эъти-борин қаратишга яхши бў-лур эди.

Қизиб-ку 200 миңг нус-хада чиқиб кетди. Ленин йнги напшда унга пухта илова зарур. Китобга кир-ма қолган, «асдан чиқ-қан» исмлар билан тўди-риб босилса, тилимизнинг бир келиши тўдириланган бўлур эди.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ,
тарғи фанлари доктори.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1991 ЙИЛ 16 ОКТАБРДАГИ «ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ҚЎЛЛАНИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йил 16 октябрда «Давлат божи тўғрисида» чиқарган фармони муносабати билан бир қатор саволларга жавоб бериб ў-моқчимиз, чунки уни қўлла-ниш пайтида муаммолар кели-б чиқиши мумкин.

Ҳозирги пайта Ўзбекистон Республикасининг ҳақамлик судларида кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божи тўлашнинг қуйидаги тартиби амалда Аризачи (даввогар) белгиланган миқдорда маҳал-лий бюджет даромадига ўзи

турган жойда давлат божи тў-лаётти. Фармонда белгилаб қўйил-гани, 1991 йил 1 ноябрдан бош-лаб Ўзбекистон Республи-каси ҳақамлик судларида кў-риб чиқиладиган ишлар бў-йича давлат божи Ўзбеки-стоннинг республика бюджети

даромадига тўланади акин ундариб олинади. Шу муно-сабат билан нзоҳ бериб ў-моқчимиз: Ўзбекистон Рес-публикаси ҳақамлик судлари қўнигоҳинга 1991 йил 1 но-ябрга қадар расмийлашти-риб жўнатилган ишлар (дав-вогарлик ҳужжатлар) бўйича

давлат божи аввалги тартибда тўланади. 1991 йил 1 ноябрдан кейин жўнатилган ишлар бў-йича эса фармонда кўрсати-лган тартиб амал қилган, яъни давлат божи Ўзбекистоннинг республика бюджети дарома-дида тўланади. Давлат божи ҳажмлари ўзгармаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йил 16 октябрда «Давлат божи тўғрисида» чиқарган фармони муносабати билан бир қатор саволларга жавоб бериб ў-моқчимиз, чунки уни қўлла-ниш пайтида муаммолар кели-б чиқиши мумкин.

ДИЛУ ТИЛ БИРЛИГИ

Кейинги етмиш йилдан орттик вақт ичида шундай кун кечирдикки, оқибатда олмайвикикизиламачилик пайдо бўлди: барча миқёслардаги раҳбарлик тур деса турдик, ёт деса ётдик, қандай фармонлар, буйруқлар берилмасин, уларни ҳақ қандай эътирозини бағириниша маҳкум эътирозлик, аммо кимдир тўхтаб, сиз ҳам инсонку, бу буйруқ, фармонларнинг моҳиятини ўйлаб кўринг, нималар тўғри-ю нималар нотўғри, тўғрисиини амалга оширинг, нотўғрисиини рад этинг, ахир юқордагилар пайғамбар ёки худодо эмаску, улар ҳам янглишди, нуқсонларга йўл қўйди, деган таразда фаолият кўрсатилмади. Пировадда, одамлар раҳбарлар билан муносабатда эмас, балки ўзaro муносабатда ҳам нуқул тилбеламалик қилиб «отанг яхши, онанг яхши қабилада иш кўрадинг бўлишди, аммо ҳамма оталару оналар билан фарзандлар ёппасига яхши эмас, ёмонлари учрайди-ку, дейишга имкон берилмади.

«Кафансиз кўмилганлар» асарини қаҳрамонларидан бири худди шунга ўхшаш вазият ҳақида куйдагича мулоҳаза юртакди: «Инсофли, виждонли бор одам бир бирини талайдини! Бизнинг ҳукумат эса талашини, бировларин ҳақидан кўрмасликни савоб иш деб ўргатади. Қариндош қариндошини талади, синфий душман деб бола отанинг кўзини ўйди. Мана, оқибат: ҳамманни ўриликка, худодан кўрмасликка, бандадан уламасликка ўргатиб бўлди. Одамлардан меҳр-шафқат кўтарилди. Мана булар — ўша сиёсатнинг меваси... Ҳар қандай ақли бор инсон оч-қашшоқлик, муҳтожликда эмас, бой бўлиб, тўқ ашсам дейди. Бизнинг ҳукумат-чи, камбағалликни эмас, бойларни йўқотган, деди. Мана, энди ниҳоятга етди. Ҳамма камбағал, ҳамма ўри. Мана шундай турғи гапни айтган сиз билан биз — халқ душмани. Виждонингиз ютиб, ҳақиқатини гапиролмай эркин юргангадан, оч-яланғоч бўлсанг ҳам, овозингиз борича ўзинг севган куйни айтганин маъқул.

Уқайсизми, тиз чўкиб яшагандан, тиз туриб ўлоқ афзаллар, деган фикр баён этилмақда. Тўғри, бироз «итобий» таразда баён этилмақда. Негаки, ўзинг хос хулқ-отвори, фикрлар, мулоҳаза эътири хусусиятлари билан ажралиб турадиган бир инсон эмас, балки муваффиқиятнинг мувофиқ ҳаракат қиладиган қаҳрамон дўхат сўзлаганга ўхшайди. Ҳайратини, фақат ўшайди, юпос. Аслида инсоний ҳуқуқлари пой-мол этилиб, ноҳақ қамалган айбис айбдор қамбидан отилиб чиққан лоду фарёлариди, фиғону аламларига шерик бўлишмоқдамиз. Зотан, унинг ҳақиқат олинши тарихи жуда қисқача бритилганга қарамадан ўзининг фожиага мазмуни билан салмоқли тасвирчанлик касб этди. Шундай тасвирчанлик

ки, «Кафансиз кўмилганлар» бош қаҳрамони — ижодкорнинг қандай бўхтонларга асосан «халқ душманига айланган» қандай овоз қилиши тарзи тасвирга омухта бўлиб кетади.

Майли, шундай бўлсин, дейлик, бирок нега энди оч-яланғоч бўлсанг ҳам ҳақиқатни гапириб, ўз эркинг, ҳурлигини сақлаб озоликда яшаш афзаллигини намоян қилватган иккинчи, ҳатто учинчи даражада қаҳрамон сўзларидан парча келтирилмасин, аслида эса бадиний асар муваффиқиятини таъминлайдиган бош қаҳрамонга қай даражада муваффиқиятлик гавдалантирилгани, бу борада қандай ижобий натижалар қўлга киритилиб, қандай нуқсонларга йўл қўйилгани тўғрисида мулоҳаза юритиш муҳиммаси, деб лўқма ташлашингиз турган гап.

Шунга биноан айтиш лозимки, «Кафансиз кўмилганлар» ўзбек насрида Ҳабибулло Қодирнинг ўз отаси — «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарларининг ижодкори фожиага ҳаётининг сўнгги кунларига бағишланган ҳужжатли автобиографик асаридан кейинги янгича йўналишда яратилган қисса бўлиб, у бир қанча фазилатларга қўра Солженицининг «Гулаг Архипелаги» («Қамоқхоналар беш бошқармасининг ороллари») деб номланган эпопеяси — бадиний публицистик қомусига муштараклиги, ҳаммаҳаллиги тўғрисида «Қонли—қонсиз фожиа» мақоласида («Совет Ўзбекистони», 23 январь, 1991 йил) баътаъсил мулоҳаза юритганман: биринчидан, айтилган фикрларнинг тақрирлашга зарурат йўқ; иккинчидан, бу ерда гап «Кафансиз кўмилганлар»нинг гояйи-бадиний мундарижасини тўлағича ёритиш мумимоси қон тартибига қўйилмапти. Ва, ниҳоят, муайян асар ёки унинг бирорта қаҳрамони ҳақида эмас, балки қарийб ярим асардан буён бадиний ижодда асардан кетмаётган Шукрулло, унинг инсоний ҳақида ижодий қиёфасини белғилайдиган бир қанча хусусиятлар тўғрисида сузламоқдамиз. Сузлаганда эса мақсадимизга етиб, вазафимизни юз фоиз бажаришга даъвогар эмасмиз. Зотан қарийб ярим аср давомида қанча асарлар ёзилди, улардан қайси бири эфир муваффиқият қозонганино, қайси бири кимлар қандай нафр келтириб, кимларга зарар берганини муҳимамал очиб бериш учун бу ерда имкон йўқ. Аммо ижодкорнинг маънавий қиёфаси, ижодий қудратини кўрсатадиган бир қанча ҳодисалар хусусида мулоҳаза юритиш ҳам фарз, ҳам қарадор.

Тўғри, бу ҳақида ҳеч қандай суз айтилмапти, дейиш инсофсизлик, ноҳақлик, аммо деганларимиз ниҳоятда умумий мазмуни касб этди, муайян ижодкорнинг аниқ, ёркин, тақрирланмас қиёфасини кўрсатган асарларининг қўлёзмаларини ўқиб беришани илтимос қилиб, қанчаллик ачиққў бўлсам, тўғрисиини айтинг, дейдилар. Шунинг учунми, улар билан ҳеч нарсадан ҳайқалмасдан баҳслашиш мулкчи, бошқа ижодкорлар-чи? Узининг қузатишлари, уларнинг асарияти қандай асар ёзиб, чоп эътирасин, ҳайқиб қўлиб улгурмасидан олдиқчи дарров қўллаб қўватлаш, мақтаниш хошлашди ва шу хоҳиш юзага чиқмас, обдан ранжийдилар, ҳатто кир пичоқ бўлиб ўришишга бозиб етдиларки, бу бизда ёзувчилик маданияти, савиясининг ниҳоятда паст эканлигиндан далолат беради. Ахир, қаламкашлар сон-миқдорининг ўсиб бораётганино, уларнинг ичида «яриқ» этиб чиқарган ноёб ва ноқир истеъдодлар ниҳоятда кам эканлиги тасодифий ҳол эмаску! Шукрулло мақтов, махдиярини ёмон кўради, деб бўлмади, лекин бадиний ижодда ўзим хон, қўлнамачи султон, деган фикрдан ўринди. Гоҳида ҳазиллашиб, сиз Чирғиз Айтматов билан қалин

дўстсиз, ижодда ҳам у билан ён турсиз, деб қолсангиз, дарров жиддийлашиб, йўқ, менинг бирқанча асарларимда унга ҳамда Қайсий Кулиев эки Давид Кугультиновга оҳангдошлик, муштараклик бордир, балки шунинг учун Булуттифиқ миқёсида аҳён-аҳёнда кўриниб тургандирман, Москва наشريятларида ҳурматим бордир, хусусан, В. Солухин билан, ҳурматим қилганим, бунинг натижасида «Жавоҳирлар сандиқчининг русчана ўғирлиши» менга маъда беради, дейди...

Табиики, гоҳида баикосиди оловдай ёниб-қўйиб, кимндир неғадир асосиз сузлаб қўяди, ўтдан олиб сува, аксинча, сувадан олиб ўтга ташлабди, баъзан давраларда айтган ачиқ сўзларини бирдангига минбарда «омшатиб» юборади, айни чоқда эркин истеъдодларга «хужум» қилишдан қайтмади, лекин ҳовридан тушганларидан кейин ўзининг камчиликларини аҳён-аҳёнда мардона эътироф эттиди...

Бунинг заифлиги, ожизлиги эмас. Негаки, қўнчага чинакам мард, зўр, қўли инсон, ҳақиқий ижодкоргина ўзинг беқисс талабчанлик билан ёндошиб, ўз нуқсонларини эътироф этишга қодирдир. Бизда эса махдиярга бўлиб, ўзини ҳар хил тўғри-эгри, ҳалол ҳаром воситалар орқали мақтаниш «касални» афсуски, кенг тарқалгандир.

Шукрулло мана шу «касалга» эзи бермаётгани мени қувонтиради. Ахир, у ҳеч қачон адабидда ўзинг бадиний ҳайқал ўратадим, мислсиз каш-фиётлар яратди деб гердаганини кўрмаганман-ку! Дарвоқе, қайси ижодкорда ёнган асаридан тўла қончиқ хисси туғилса, унинг ўсиб қилини, янада юксак ижод қўбиларини забт этиши амримага оқ эътириги Шукруллога маълумдир. Маълум бўлгани туфайли асарларини, хусусан драмаларини қайта-қайта ишлаб, муттасил сайқал беради. Шу тариқа бир неча юзлаб шеърлар, достонлар, драмалар, публицистик, адабий-бадиний мақолалар яратилди, уларда Шукрулло иллатлар дунёсини бадиний таҳлил этишга кўпроқ диққатни жалб этиб, адалатсизлик, манфурлик, махдуллиқ инсон шахсиятига қанчаллик даҳшатли, оғир, чекиз-чеғарасиз зарарлар келтиришини гоҳида таъсирчан манзараларда гавдалантиришга интилди ва бу интилли бир қанча асарлариде, аяйикси, «Жавоҳирлар сандиқчи», «Кафансиз кўмилганлар»да салмоқли натижаларга олиб келди.

Уз-ўзидан аёнки, бу натижаларининг ҳаммасини шу ерда ёритиш мумкин эмас, аммо улардан бирини алоҳида қайд этиш зарурдир: гап шундаки, Шукрулло инсон ҳақида ижодкор сифатида қўнча ижодкор тил биллиги, муштараклигини


таъминлаш нуқтан назаридан иш кўради. Буни қандай тушунамиз?

Маълумки, тил аввало, суяк-сиз бир парча «ўш» бўлиб онгу тараққур, ақл эмас, балки тану жон эҳтиёжига бўйсунмади: ниманки тану жонга роҳат бахш этса, ушнинг куйини айтишга мажбурдир.

Бу мажбурият азалий қонун бўлиб, уни бажармаслик жонтанга хавф тугдирди. Борди-ю, мазкур қонун талаблари ҳалол меҳнат, адалатли кураш орқали бажо келтирилса, нур устига нур бўлур эди, аммо ҳалол меҳнат, адалатли кураш албатта тану жоннинг қийналиши, эзиллиши, ҳатто баъзан қурбон бўлишини тақозо этдики, бунга ҳар қандай одам ҳам рози бўлавермади. Оддий фуқароларни қўя туринг, ёзувчилик билетини олиб, ўзларини ўзбек адабиётининг ҳақиқий намояндалари ҳисоблайдиган саккиз юзга яқин ижодкорларни бир мойга тўллаб, шундай топириқни бажаришнинг талаб қилиб кўринг: қани, ҳаммаларинг бир бирларинг ҳақида нималарни ўйлаб, қандай хулоса — қўнча чиқармоқчи бўлсангиз, бarchасини баралла айтиб, ошқорча ёзинг, дилингизда нималар тўпаниб, тўлиб-тошиб турса, ҳеч нарсани яширмасдан тилингизга чиқаринг, қоғозга туширинг!

Уқайсизми, қўнчилик энг осон, беозор йўлдан ёлпасига мақтас, меҳд этиш йўлидан боради. Озчилиқ эса сарасини сарага, пучини пучга ажратиб, адалат талабига мувофиқ иш кўради. Ишончим қомилки, шу озчилик ичида Шукрулло ҳам бўлади. Чунки, унинг қарийб ярим асрлик бой, ранг-баранг, мураккаб, оғир, лекин масъулиятли ижодий йўли шундай дейишга қудратли асосдир. Зотан Шукрулло етмиш юзлаб сағина қирганига қарамадан гайратли янгитлардек шижоат, мардалиқ матонат кўрсатиб қалам тибратмоқда. Йўқ, фақат қалам тибратиб билан чекланмапти, ўзининг барча ҳаммаси тенгдошлиридан фарқли ўлароқ халқ ҳаракатларини таҳлил этилиши, шаклланиши, ривожланишида шижоат этиб, ўзинг хос ўрнани кўрсатгани бекиз эмас-ку! Тўғри, ҳозирда жумҳурият президентлиги кенгашига аъзо бўлгандан кейин мазкур халқ ҳаракатида дээрлик қатнашмапти, бироқ бу масаланинг моҳиятини ўзгертirmayди.

Уқулас, Шукрулло инсон ҳақида ижодкор сифатида дилу тил биллигини муқаддас деб қилиб, ана шунга мувофиқ фаолият кўрсатишга сафарбар этилгандир. Жуда-жуда истаёмки, мана шу сафарбарлик халқимизнинг сиёсий, иқтисодий ҳақида маънавий, маданий муштараклигини таъминлашга бараклар келтирсин. Мухтаграм Шукрулло ашу, умрингизга яна қанчада шунчалик уир қўйилсин, ёшлиқ шижоати, гайрати сизни асло тарк этмасин, ҳорманг, ҳаммаша омон бўлинг!



Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ШУКРУЛЛО ВИЖДОН

Усмон Носирга

Кўзин юмсам, билмайман на сир,
Айблаб фикру зикрини асир.

Қоқ сўянган иборат одам
Ваҳм соллб келар дамо-даи

Бир вужудни, на қўл, на кўзн
На раҳмону на шайтон ўзн...

Шарпа каби кезиб сарсарин,

Кўз олдидан кетмайди нари!
Аяласин деб муродини ошкор,

Юлиб бердим унга тилкимни.
Юрак дардин қилсин деб

Кўксин ичра қўйдим дилимни.
Унга аста чирой ҳам битди,
Йўқ, бунга ҳам бўлмайдир ризо!

Инсонлик бер, менга инсонлик,

ЭСЛАШ

Ҳар баҳор кутамиз турна келишини,
Қўриқини эспаймиз унинг ҳар баҳор.
Ҳатто ариқларда сувлар хоншини
Эспаймиз! Куйларни қилади хумор!

Кўнглимиз зор кетар ҳар йил баҳорга,
Кўнглимиз зор кутар гул очилоғини.
Инсон нималарини олмайди ёдга
Аммо у эспайди марҳум ўртоғини.

Нега, баҳор каби у қилмас хумор...
Кўшлар сайроғича ҳатто сўхбат!

Силқинади кека қомати,
Афсус чеккан мўйсавфидсимон.
Тўлиб-тошган балиқ ҳарсати
Не чоракни унда йўқ, забон.

Қанча-қанча севилганларнинг
Севгисига бўлмади гувоҳ!
Қанча-қанча

Дардин тинглаб бўлмади паноҳ!
Дардларининг кичинга ютиб,
Суккут сўқлаб кичирмоқ ҳаёт...

Кимлигини бутун унутиб
Тилсиз яшаш даҳшат-ку,
Ҳайқот!

ЧИНОР

Чинор яшар юз йилдан ортки,
Умр кўрар ҳатто асрлаб.
Унга хавас қилмайман, йўқ,
Яшамайман уларини тиллаб!

Силқинади кека қомати,
Афсус чеккан мўйсавфидсимон.
Тўлиб-тошган балиқ ҳарсати
Не чоракни унда йўқ, забон.

Қанча-қанча севилганларнинг
Севгисига бўлмади гувоҳ!
Қанча-қанча

Дардин тинглаб бўлмади паноҳ!
Дардларининг кичинга ютиб,
Суккут сўқлаб кичирмоқ ҳаёт...

Кимлигини бутун унутиб
Тилсиз яшаш даҳшат-ку,
Ҳайқот!

Янгириқ ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўнаралиги худудидан бир пайтлар Жирмиз кўли бор эди. Кенг майдонни эгаллаб ётган кўл суви тоққини, балиқлари ўйсувни тўлдирди. Ўт-ўланларидан турли-туман қўшларнинг шўх нағмалари қўлоққа қалинар, гаёла-гаёла қўшлар қўзага ташади ланиб қоларди. Хаваскор балиқчилар, дам олувчилар унинг атрофида бўларди. Бирор қармоқ ташлаб, бошқача сувига чўкилиб роҳатланар ва кўнгли очарди.

Хуллас, ерди халқини кўл ўзининг йирик лаққа, сазан, сўган, чўртан, зөгора ва бошқа балиқлари билан бахраманд этарди.

Лекин янги ерлар очилиши натижасида қанчадан-қанча қумликлар, йўллар, рошниклар йўқотилиши оқибатда кўлга анча талофат этди. Сув йўллари тўсиларидан кўл сатҳи қамайди, ўт-ўланлар, қўшлар, балиқлар йўқолди, суви шўрланган аввалги чиройли кўринишдан ишпона қолмади. Хўжаларнинг экологик муҳитига қатта таъсир қилди. Бу ташвишли ҳол хўжалиқ бошқарувини ўйландириб қўйди. Кўлни аввалги ҳолатига қайтариш мумкинми? Вунинг учун албатта маблағ керак. Бошқарув аъзолари

«Табиаат ва инсон»

Жирмизкўл тикланмоқда

Йирлиб маслаҳат қилишди ва кўлни тазйирлаш, қовурлар, сув йўллари қознига қарор қилинди.

Кўл этагига дам олиш шийони, сув ўтказиш нишооти, асфальт йўл қуриш, умуман кўлни таъмирлашга 780 миң сўм ажратилди. Бу ишларни «Хоразмвод-

риш, зовур қазиш иши бажарилиди. Шийон тикланган деб қолди. Йил охиригача қолган ишлар ҳам битиди.

Кўлга Бойназар Худойназаров бошчилигида Юсуф Оллоназаров, Қуробой Йодиров, Қудрат Нумановнинг сингари балиқчилар ишга талқиф қилинди.

— 20 гектар кўлни сувга тўлгадик, — дейди В. Худойназаров. — Ўт-ўланлар ўсмади, ичига 300 килограмм майда човоқ қўйиб юбордик. Сув бир ёқдан кирини бошқа томондан чиқиб кетади, яйраб ўсаётган сазан, оқ амур, лаққа, чўртан ва бошқа балиқларнинг қўл-қўли сакраши, қайтиб келган роз, ўрдақ, кўнқўтон, қашқалдоқ ва бошқа қўшларнинг нағмалиқ саслари қўлоққа қалина бошлади. Уларнинг ўришиш, кўлни бир умр тарк этмаслиги учун бор инсониятни аямаямиз. Йил охирида хўжаликка 20 тонна ўзинга 30 тонна балиқ етказиб беришга аҳд қилганмиз, қароримиз қатъий. Бунинг устига кўлнинг қайта тикланаётгани атроф муҳитини яхшилашга муносиб улуш қўшаётдир. Келаянда кўл атрофида мос дароҳт қўчатлари энб ўстирамиз.

«Шарқ юлдузи» ойномаси меҳнат жамоаси.

«Шарқ юлдузи» ойномаси меҳнат жамоаси.

Хўрматли муштарилар! Севимли рўзномангиз — «Халқ сўзи»га обуна бўлдингизми?

Обуна баҳоси: бир йилга—25 сўм 68 тийин, ярим йилга—12 сўм 84 тийин, уч ойга—6 сўм 42 тийин. Индексимиз—64608.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенашини

МАНЗИАГОХИМИЗ: 700000, ГСП

Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608. Вуяорта № 6147. 118800 нуسخада чоп этилади.